

1740- йилда Эрон кўшинлари Нодиршоҳ бошчилигида Бухорога қарши яна ҳужум бошлади. Бухоро ва Хива хонлари умумий душманга қарши қурашиш учун бирлаша олмадилар.

Бу ҳам етмаганидек, Бухоронинг ўзида ҳоинлик юз берди. Хонликда етакчи мавкега эга бўлиб олиш ниятидан қайтмаган Қарши ҳукмдори Муҳаммад Ҳакимбий Нодиршоҳ томонига ўтиб кетди. Абулфайзхон Эрон босқинига қарши қурашни уюштира олмади ватаслими бўлди. Нодиршоҳ Бухоро хонлигининг таслим бўлиш шартларини Муҳаммад Ҳакимбий орқали Абулфайзхонга жўнатди. Таслим бўлиш ҳақидаги шартномани имзолаш учун Абулфайзхон Зарафшон дарёсининг бўйидаги Чорбакр кўригига - Нодиршоҳ ҳузурига боришга мажбур бўлди. Шартномага кўра, Нодиршоҳ кўшинлари учун 8 йилга етадиган 200 минг харбор бугдой ва арпа тўплаб беради. Бундан таслжқари, Бухоро хонлиги аҳолисидан 10 минг нафарли кўшин тўпланиб Нодиршоҳ ихтиёрига жўнатилади. Бу кўшинга Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳим кўмондон этиб тайинланди. Шу тариқа Бухоро Эронга қарам давлатга айланди. Абулфайзхон амалда кўгирчоқ ҳукмдорга айланиб қолди.

Муҳаммад Ҳакимбий эса кўшбеги лавозимини эгаллади. Бутун ҳокимият амалда унинг кўлида тўпланди. Энди аштархонийлар ҳукмронлигининг барҳам топиши муқаррар бўлиб қолди.

Бухорода аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ўзбек қабилаларидан мангитлар ва қўнгиротларнинг нуфузи баланд эди. Бу икки қabila ҳақиқий ҳокимият аштархонийлар кўлида бўлиб турган даврларда уларга садокат билан хизмат қилган эдилар. Бироқ, кейинчалик, Бухорода мангитлар алоҳида нуфузга эга бўлиш учун астойдил қурашдилар. Муҳаммад Ҳакимбий даврида бу мақсадга эришдилар.

Муҳаммад Ҳакимбий 1743- йилда вафот этган эди. Унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий ўзининг мунтазам кўшинга эғалигидан фойдаланиб, ҳокимиятда отаси қабил алоҳида мавқега учун даВогарлик қила бошлади. Сўнгги аштархоний Абулфайзхон унга Бош вазирлик лавозимини беришга мажбур бўлди ва охир-оқибатда марказий ҳокимият унинг кўлида тўпланди.

Нодиршоҳ 1747- йилда ўлдирилганидан сўнг Эронда бошланган ички қурашлар Муҳаммад Раҳимбийнинг Бухоро тахтини эгаллашига йў1 очиб берди. Унинг буйруғи билан Абулфайзхон ҳам 1747- йили ўлдирилди. Муҳаммад Раҳимбий тахтга Абулфайзнинг ўғли Абдулмўминни ўтказди ва уни ўзига қуёв қилиб олди. Кўп ўтмай Муҳаммад Раҳимбий қуёви Абдулмўминни ҳам қатл эттирди. Тез орада Муҳаммад Раҳимбий Бухоро аслзодалари ва рухонийларининг қўллаб-қувватлаши билан 1756- йилда ўзини хон деб эълон қилди. Бироқ мангитлар чингизийлар наслига мансуб бўлмаганлиги учун ундан кейинги мангит ҳукмдорлари ўзларини хон деб эмас, амир деб атаганлар. Улар Бухоро минтақасининг диний ҳукмдори - амир ул-мо ъминин хисобланганлар.

Шундай қилиб, 1756- йили Бухорода ҳокимият тепасига янги сулола - мангитлар сулоласи қелди ва давлатни 1920- йилгача идора қилди. Шундан бошлаб Бухоро хонлиги эндиликда Бухоро амирлиги деб аталадиган бўлди. Мангитлар 92 ўзбек қабиласининг бири эди.

Мангит ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон {1756-1758) мамлакатда ўзининг мутлақ ҳукмдорлигини ўрнатиш ҳамда ички бошбошдокликни тугатиш сиёсатини тутди. Бундай

сиёсатдан кўзланган мақсад - марказлашган давлатни тиклаш эди. Муҳаммад Раҳимхон бу сиёсатни рўёбга чиқаришга қарий киришди. У барча маҳаллий фюкмдорларни ўз ҳузурига қорлаб, уларга ўзининг асл мақсадини, ўз бошқарув дастурини маълум қилди. Лекин давом этаётган ички низолар, урушлар мамлакатни ҳонавайрон қилаётганлиги, ҳўжалик, савдо-сотик ишларининг издан чиқаётганлиги, агар бу жараёнлар бундан бўён ҳам давом этиладиган бўлса, давлат ҳалокати муқаррар эканлигини алоҳида таъкидлади. Қайси маҳаллий ҳукмдор марказий ҳокимиятга бўйсунмаса, ундайлар аёвсиз жазога тортилишини огоҳлантирди.

Муҳаммад Раҳимбий

Муҳаммад Раҳимхон мустақилликни даъво этиб юрган Миёнқол, Нурота, Қўбодиён, Бойсун, Шаҳрисабз ҳамда Ургут бекликларини тўрт йил давомида ўзига бўйсундирди. Айни пайтда у бўйсунитишни устамаган, марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка уринаётган қабилаларни турган жойидан қўчиртириб юбориш сиёсатини тутди. Масалан, бурқут, қипқок, етти уруғ, баҳрин, юз, қенағас, сарой ва бошқа қабилаларга нисбатан ана шундай сиёсат юритилди.

Муҳаммад Раҳимхон йирик ер эгаларининг давлатни бошқариш ишларида шу вақтга ҳа давом этиб қелган аралашувларини қескин қамайтиришга эриша олди. Шундай бўлса-да, у барча бекликларнинг марказий ҳокимиятни тан олишларига тўла эриша олмади.

Дониёлбий оталик ва Амир Шохмурод

Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг унинг амақиси Дониёлбий оталик ҳокимиятни ўз қўлига олди (1758-1785). У ўзини хон атамади ва Абулқайзхоннинг нақираси Абулғозини тахтга ўтқазди. Дониёлбий ҳам оталик мансабини, ҳам амалдаги ҳукмдорликни ўз қўлида сақлаб қолади. У ўз қўшинларини мустанқамлашга, унга таяниб иш қўришга ҳаракат қилди. Барча мангит бекларига қатта ер-мулкни танҳо қилиб берди. Ҳалқдан олинадиган солиқларни қўпайтирди. Унинг даврида Балх, Ҳисор, Қўлоб, ўратепа бекликларининг мустақилликка интилишлари қучайди. Қатта ер эгалари, қушбеги ва қозикалонларнинг ўзбошимчалигини эса синдира олмади. ўғилларидан бири Шохмурод дарвишона ҳаёт қечирар, шайх маслаҳати билан бозорда ҳаммоллик қиларди. Кейин эса қичокка қин ясаб сотиб, шу орқали рўзгор тебратарди. Ҳалқ орасида обрўси қатта бўлгани учун Дониёлбий унга ҳокимиятни топширди.

Амир Шохмурод (1785-1800). Амир Дониёлбий оталиқнинг тўнғич ўғли бўлиб, ёшлигидан ҳудожўй, порсо бўлиб ўсган. Мадрасани битириб, дарвишлик сулуқи тарафдори, тарғиботчисидан бирига айланади. Шохмурод Абулғозини ҳокимиятдан четлатиб, ўзини Бухоро амири деб эълон қилади ва тахтни эгаллайди. Ҳалқ унга ҳурмат билан «амири маъсум» (беғуноҳ амир) унвонини берган.

Шохмурод ўз фаолиятида оммага таяниб иш тутди. Адолат тамойилларига қаттиқ амал қилди. ўзи ҳам ниҳоятда қамтарин ҳаёт қечирган. Масалан, бир йилда бир олача қопон, бир бўз қўйлақ қийган. Бошига олти газли бўз салла, оёғига эчки терисидан тикилган саҳтиён маҳси ҳамда қавуш қийган.

Амир Шохмурод Самарқанд шаҳрида қатта бунёдқорлик ишларини амалга оширди. Шаҳар

марказида олти киррали чорсу курилиб, «Токи мусаддас» деб аталган. Самарканднинг хар бир мадрасасига имом, муаззин, мударрисларни ўзи тайинлаган. Талабаларва мударрисларнинг маоши учун вакф ерлари ва мулклар ажратган.

Амир Шохмурод баъзи ислохотлар ўтказиб, давлатни мустахкамлашга эришди. Бож ва хирождан бошка барча соликларни камайтирди. Раис мансабини ва қўшин таркибида кози аскар лавозимини жорий килди.

Мамлакат иктисодини йўлга қўйишда Шохмурод ўтказган пул ислохоти мухим аҳамият касб этди. Аштархонийлар даврида зарб килинган тангаларда қумуш миқдори камайтириб юборилган эди.

Шохмурод жорий килган қонун бўйича қим мол-мулкка хиёнат қилса, жамиятдаги мартабасидан қафи назар қаттиқ жазога тортилиши лозим эди. Бу тадбир халқ манфаатларига тажовузнинг олдини олди.

Сулуки – жамоаси

Харбор – бир эшакка юк бўладиган оғирлик ўлчови

- 1747-йилда Бухорода ҳокимият амалда мангитлар сулоласи қўлига ўтди. Расман эса бу воқеа 1756- йилда амалга ошди.
- 1756-йилдан бошлаб Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб атала бошланди.
- Мангитлар сулоласи 1920- йилгача Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилди.